

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ГУЛОМОВА КОМИЛА МАҲАМАТЖАНОВНА

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
МЕДИАСАВОДХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ
МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Гуломова Комила Махаматжановна

Профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини
ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш методикасини
такомиллаштириш3

Гуломова Комила Махаматжановна

Совершенствование методики организации самостоятельной деятельности
через развитие медиаграмотности учащихся профессионального
образования.....23

Gulomova Komila Maxamatjanovna

Improving the methodology for organizing independent activities through the
development of media literacy of vocational education
students.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ГУЛОМОВА КОМИЛА МАҲАМАТЖАНОВНА

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
МЕДИАСАВОДХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ
МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Ped2350 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.ipitvet.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ашурова Санобар Юлдашевна педагогика фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Муслимов Нарзулла Алиханович педагогика фанлари доктори, профессор Тураев Сирожиддин Журақобилевич педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871)246-92-17, факс: (99871)246-90-37, E-mail: moqt@markaz.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871)246- 92-17, факс: (99871)246-90-37).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди
(2022 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, академик

С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

Х.Ш.Кадиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунё бўйлаб профессионал таълим жараёнида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш, профессионал таълимни модернизация қилиш, таълим дастурларини рақамлашган муҳит эҳтиёжларига мос равишда олиб бориш ва бўлажак мутахассисларнинг ахборот компетенцияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКО (Бирлашган миллатлар ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти) томонидан 2018 йилда қабул қилинган медиа ҳамда ахборот саводхонлиги бўйича бешта қонунида медиа ва ахборот саводхонлиги бугунги кунда таълим олиш, яшаш ва ишлаш учун зарур бўлган компетенциялардан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳондаги ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш индекси (ICT Development Index) бўйича етакчилик қилиб келаётган давлатларнинг педагогик тажрибаларига асосан медиа воситаларини профессионал таълим жараёнига кенг жорий этиш бўлажак мутахассисларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайди. Профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этишнинг ўқув-методик таъминотини мазмунан ривожлантириш, мустақил фаолиятга тайёрлашни моделлаштириш, шу билан бирга, ўқувчиларда медиасаводхонликни мотивацион, шахсий, ахборотли, фаолиятли йўналишларини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш ниҳоятда долзарб масала. Шу нуқтаи назардан, профессионал таълимда ўқувчиларнинг мутахассислигига хос сифатларини, шахсий ва касбий компетенцияларини, медиасаводхонлигини, медиакомпетентлилигини ҳамда мустақил фаолиятга тайёрлигини ривожлантириш заруратини тақозо қилади.

Мамлакатимизда замон талаблари асосида профессионал таълим жараёнини ташкил этиш, жумладан, профессионал таълим тизимида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш орқали юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида “Касбий таълим билан тизимли равишда шуғулланиш масалаларини тўлиқ равишда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига ўтказиш, касбга ўқитиш кўламини 2 баробарга ошириш, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш”¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада профессионал таълимда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятига тайёрлаш, ўз мутахассислигига хос

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2022. Б.39.

сифатларни ва мустақил фаолиятга тайёргарлик даражаларини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Профессional таълим жараёнига илғор техника ва технологияларнинг татбиқ этилиши ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ҳамда уларнинг мустақил фаолият олиб боришга амалий тайёргарлигини такомиллаштиришга кенг имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4851-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар нафақат таълим олувчилардан, балки таълим берувчилардан ҳам замон талабига мос компетенцияларга, жумладан, медиасаводхонлик кўникмаларига эга бўлишини талаб этмоқда. Профессional таълимда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, фикрлаши, ўз-ўзини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва муаммолари Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, Н.А.Муслимов², О.А.Қўйсинов, Қ.Т.Олимов, С.Ю. Ашурова, Р.К.Чориев, Б.Р.Муқимов ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш, таълим тизимида медиавоситаларнинг аҳамияти ҳамда муаммолари С.Бекназарова, С.Сулайманова, Х.Ш.Кадиров, Х.Х.Некбоев³, У.Бегимқулов, Ф.М.Закирова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан

² Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. // Пед. фан. докт. дис. – Тошкент, 2007. 275 б.; Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий - методик асослари. // Пед. фан. докт. дис. – Тошкент, 2008. 160 б.

³ Кадиров Х.Ш. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш технологияси. // Пед. фан. бўйича докторлик (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2020; Некбоев Х.Х. Медиатаълим асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-танқидий ёндашувини такомиллаштириш. // Пед. фан. бўйича фал. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. 145 б.

А.Фёдоров, И.Жилавская, Н.Змановская, А.Короченский, А.Спичкин, Ю.Усов ва бошқалар профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борган.

Хорижий давлатлар олимларидан S.Aufenanger, J.Wermke, G.Marcy-Boehncke, M.Rath, F.Frederking, D.Spanchel, D.Buckingham, J.Gonnet, J.L.Masterman, B.Tufte ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ахборотлаштириш муҳити, профессионал таълим ўқувчиларининг медиасаводхонлик билимлари ва унинг замонавий таълимдаги аҳамияти, мустақил таълимни ривожлантириш назарияси ва амалий йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Таълим жараёнига медиавоситаларни қўллаш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, профессионал таълим муҳитида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда медиасаводхонлик кўникмаларини шакллантириш масалалари махсус ўрганилмаган. Бугунги кунда профессионал таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлашда ўқувчиларда медиасаводхонлик кўникмаларини шакллантириш ва мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда ижодий даражада фойдаланиш долзарб педагогик муаммо ҳисобланмоқда.

Тадқиқотнинг олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг “Ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик саводхонлигини ошириш ва ўз-ўзини бандлигини таъминлашга қаратилган ягона маълумотлар базасини (онлайн-веб портал) яратиш” (2021-2023йй.) инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

профессионал таълимда медиасаводхонлик, медиакомпетентлик ва медиатаълимга оид тушунчаларни, асосий вазифалари ва хусусиятларини аниқлаштириш, мустақил фаолиятни ташкил этишни мазмунан такомиллаштириш;

профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантиришга орқали мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш;

педагогика коллежи ўқувчиларининг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш методикасини такомиллаштириш;

профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил фаолиятида шахсий ва касбий компетенцияларини шаклланганлик даражаларини аниқлаш, методик

тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш мазмуни, методлари, шакл ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида профессионал таълимнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаштиришга имкон берувчи илмий-манбаларни таҳлил этиш, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни танқидий ва қиёсий ўрганиш, суҳбат, кузатиш, педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш ҳамда ахборотни мустақил эгаллашнинг ўқув-методик таъминоти тизимли, вазифали, фаолиятли, касбий-танқидий, инновацион, шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосида мазмунан такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини шакллантириш асосида мустақил фаолиятга тайёрлаш кўникмаларини аниқлаш механизмига асосланган модели педагогик-технологик, диагностика қилиш блоклари ҳамда мотивацион, когнитив, амалий-фаолиятли, ижодий компонентларни ўзаро узвийлигини комбинациялаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларини мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методикаси Mindmeister, POPS, PMI, Pyramide, Project дастурлаш тилида (Javascript) медиаишланмалар, слайдлар галереясини ишлаб чиқиш ҳамда билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш (Блум таксономияси)ни қўллаш асосида такомиллаштирилган;

педагогика коллежларида ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ҳамда мустақил фаолиятга тайёргарлаш компетенцияларини ривожланганлик даражалари, ижодий, продуктив, репродуктив кўрсаткичларни умумлаштириш асосида ахборотларни тақдим этиш даражаси, манбанинг мазмуни ва тузилиши, кўриниши ва дизайни каби баҳолашни янги имкониятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогика коллежи ўқувчиларининг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш модели Блум таксономияси (Mindmeister, POPS, Project, PMI, Pyramide, баҳолаш), ORID, DIGA интерфаол методлари орқали такомиллаштирилган, аудитория машғулотлари ҳамда мустақил таълимда амалий фойдаланиш учун йўналтирилган ва амалиётга жорий этилган;

педагогика коллежларида (4.11.02.02. – мактабгача таълим ташкилоти

тарбиячиси) йўналишини ўқувчиларининг мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш, ахборот технологиялари орқали касбий компетентлигини ривожлантириш талаблари асосида «Касбий фаолиятда ахборот технологиялари» фанидан ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ҳамда ўқув-методик мажмуа такомиллаштирилган ва амалиётга жорий қилинган;

педагогика коллежи ўқувчиларининг медиага оид билимларини оширишга, мустақил равишда медиаконтентларини яратишга, мустақил фаолиятни ташкил этишга тайёргарлик даражасини баҳолаш, аниқлаш имконини берувчи амалий тестлар, топшириқлар ва ривожлантиришга қаратилган «Медиасаводхонлик орқали ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш методикаси» номли анъанавий ҳамда электрон таълим ресурсларидан иборат электрон-ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

баҳолашнинг миқдор ва сифатга оид кўрсаткичларини аниқлаштириш натижасида педагогика коллежи ўқувчиларининг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил ўқув-билиш фаолиятини мотивацион, когнитив, амалий-фаолиятли, ижодий (креатив) компонентлари бўйича ривожлантириш даражалари оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажрибасинов ишларининг репрезентативлиги, тизимли таҳлил усуллари, натижаларининг математик-статистик усуллар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика коллежлари ўқувчилари медиасаводхонлигини ривожлантиришнинг дидактик омиллари асосланганлиги; мустақил фаолиятни ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги; ўқувчиларда медиасаводхонлик ва мустақил фаолиятининг ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожланганлик даражасини аниқловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи соҳани такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ўқувчилар медиасаводхонлигини шакллантириш ва уларни мустақил фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари, “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” номли ўқув қўлланма, “Медиасаводхонлик орқали ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш методикаси” номли ўқув қўлланма ва шу номда электрон дарслик яратилганлиги, шунингдек, Блум таксономиясига интерактив методларни сингдириш орқали яратилган ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилганлиги ҳамда ўқитиш методикасини такомиллаштирилганлигида ўз

ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Профессионал таълим ўқувчиларининг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятга тайёрлаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

тизимли, фаолиятли, касбий-танқидий, индивидуал, шахсга йўналтирилган ёндашувлардан комплекс фойдаланиш асосида профессионал таълимда мустақил фаолиятини ташкил этишга ҳамда ўқувчи-ёшларда медиасаводхонликни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни аниқлашга доир методик тавсиялардан “Ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик саводхонлигини ошириш ва ўз-ўзини бандлигини таъминлашга қаратилган ягона маълумотлар базаси (онлайн-веб портал) ни яратиш” (2021-2023 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 12 сентябрдаги 89-05-77-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар ўқувчи-ёшларда медиасаводхонликни ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этишга хизмат қилган;

медиа саводхонликни мотивацион, шахсий, ахборотли, фаолиятли йўналишларини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш методикаси, педагогик шарт-шароитлари мажмуаси ҳамда ORID, DIGA, (Mindmeister, POPS, PMI, Pyramide, Project) дастурлаш тилидаги (JavaScript) медиаишланмалардан педагогика коллжежларида “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фани бўйича ўқув дастури, ўқитиш материаллари ҳамда ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 233/2-036 рақамли гувоҳномаси). Мазкур ўқитиш материаллари “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фанини ўқитишда ўқувчиларнинг медиа саводхонлигини ривожлантиришига хизмат қилган;

ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ҳамда мустақил ўқув-билиш фаолиятига тайёргарлик даражаларини аниқлашга йўналтирилган интеллектуал топшириқлар тўплами, мустақил топшириқлар, лойиҳа топшириқлари, визуал тақдимотлардан “Медиасаводхонлик орқали ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини такомиллаштириш методикаси” рақамли дидактик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 12 сентябрдаги 89-05-77-сонли маълумотномаси). Натижада рақамли дидактик таъминот ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини оширишга, таълим сифати ва самарадорлигини ривожлантиришга ҳамда педагогик тажриба-синов ишларининг сифат даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси

бўйича жами 19 дан ортиқ илмий иш, жумладан, 2 та ўқув қўлланма, 2 та муаллифлик гувоҳномаси, педагогика йўналиши бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун ОАК томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (5 та республика ва 4 та хорижий журналда) чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши, ҳажми юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим ўқувчиларининг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида профессионал таълим ўқувчиларининг мустақил фаолиятини ташкил этишнинг мавжуд ҳолати ва муаммолари, мустақил фаолиятини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари ҳамда ўқувчиларни касбий фаолиятида медиасаводхонликнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Республикамизда ҳам профессионал таълим ўқувчиларининг педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришда рақамлашган таълим муҳити, медиасаводхонлик билимларини амалиётда қўллаш ва ривожлантиришни тақозо этади.

Рақамлашган таълим муҳитини қуришнинг ўзига хос хусусияти рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўлиб, уларнинг аксарияти қуйидаги дидактик хусусиятларга эга: глобал тармоқдаги турли маълумотларни қидириш эркинлиги; интерактивлик (ўқув-билиш жараёнида ахборотлардан кенг фойдаланишни таъминлаш); мультимедиали (ахборот олишда турли манбалардан комплекс фойдаланиш); гиперфаоллик (матн орқали эркин ҳаракатланиш). Ушбу муҳитни қуриш учун профессионал таълим тизимини модернизация қилиш, таълим дастурларини рақамлашган муҳит эҳтиёжларига мос равишда олиб бориш, таълим муассасаларининг таълим жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва касбий фаолиятга тайёрлашда профессионал ахборот компетенцияларини ривожлантириш зарур.

Рақамлашган таълим муҳити – таълим ва тарбиянинг психологик-


педагогик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган замонавий АКТ воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан оптимал равишда фойдаланиш методологияси ва амалиёти билан таъминлаш жараёнидир. Ўқувчиларда мустақил фаолият ташкил этиш кўникмаларини шакллантиришнинг асосий омили уларни рақамлашган таълим муҳитида таълимий ресурслар, манбалар, кутубхона, ахборот технологияларидан тўғри ва мустақил фойдаланишга ўргатиш. Бу омиларни эътиборга олган ҳолда профессионал таълим тизимига ахборот технологияларини, медиа воситаларини жорий қилиш ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини оширишни талаб қилади. Медиабилымлар асосида мустақил фаолиятни амалга оширишда қуйидаги вазифалар амалга оширилади: касбий функционал вазифаларни мустақил бажара оладиган малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган таълим тизимини такомиллаштириш; мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш; замонавий технологиялар, ахборот базалари асосида таълим беришни йўлга қўйиш ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

Ўқувчилар мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда, биринчи навбатда, мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчалар сифатида намоён бўлувчи “мустақил таълим”, “мустақил фаолият”, “мустақил иш” тушунчаларининг мақсад ва вазифаларини фарқлаб олиш муҳим саналади. Мустақил иш ўқувчиларнинг олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш воситаси; мустақил таълим ўқувчиларнинг ўқув мақсадларини амалга оширувчи ва уларда шаклландирган касбий компетенцияларни ривожлантирувчи ўқув жараёни; мустақил фаолият бутун умри давомида янги билимларни эгаллаб боришдаги ҳам касбий ҳам шахсий мотивлар, ўз устида доимий ишлаш, ижодий ёндашувни ўзида мужассамлаштиради.

Мустақил фаолият – белгиланган фан бўйича ўқув топшириқларини ўқувчилар томонидан мустақил ва ижодий бажаришга йўналтирилган ўқув фаолиятидир. Мустақил фаолият асосини мустақил ишлар ташкил этади. Мустақил фаолият ўқувчи шахсининг касбий фаолиятда мустақиллигини белгилайди.

Профессионал таълим тизимида мустақил фаолиятни тартибга солиш ва ривожлантиришнинг *мотивацион, когнитив, амалий-фаолиятли ва ижодий* компонентлари ўқувчиларни касбга тайёрлашда, билимларни мустақил ўрганишларида мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Айнан мустақил билим орттириш фаолияти ўқувчини мустақил ишлашга, ўқувчиларни ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам мустақил ўқиб-ўрганиш нуқтаи назаридан мустақил ишларни бажаришга йўналтиради.

Ахборот технологиялари соҳасидаги замонавий тараққиёт, янги рақамли тизимлар медиа ва ахборот муҳитининг ривожланишида саводхонлик мазмуни қуйидаги турларга бўлинади (1-расм) ва улар босқичма-босқич амалга оширилади:



1-расм. Саводхонлик турлари ва тавсифи

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитига асосланган ахборотлаштирилган жамиятнинг таркибий қисмлари – бу медиа ҳисобланади. “Медиа” – лотинча “media” сўзидан олинган бўлиб, “восита”, “воситачи” янада аниқроғи “оммавий ахборот воситалари” деган маънони англатади. Медиа узлуксиз таълим жараёнини визуал материаллар билан бойитишга, дарснинг сифатли ўтилиши ва ўқувчи томонидан ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Медиасаводхонлик – таълимда ўқувчиларни медиа орқали тарқатилаётган ахборотлар билан танишиш, уларни танлаш, саралаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш билимлари негизида кўникмаларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг касбий фаолиятда тўғри қўллаш олиш компетенцияси. *Мустақил фаолият* – ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятида АКТ компетенцияларини мустақамлаш, янги билимларни мустақил эгаллаш ҳамда олган билимларини касбий фаолиятда қўллаш имконини яратувчи фаол таълим жараёни.

Олиб борилган изланишларда медиасаводхонлик, медиакомпетентлилик ва медиатаълимга оид тушунчаларнинг асосий вазибалари ва хусусиятлари тўғрисида бахс-мунозаралар келиб чиққан. Шу нуқтаи назардан биз ушбу тушунчаларнинг асосий вазибаларини қуйидагича фарқладик: *медиаатаълим* – таълимни медиа асосида ўқитиш, ўргатиш бўлиб, медианинг асосий қонунларини тушунишга ёрдам берадиган, медиаларни қабул қилиш, ўрганиш ва таҳлил этиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ифодалайди; *медиасаводхонлик* – таълимда материалларни, ресурсларни, билимларни, кўникмаларни ўзлаштириш, ривожлантиришда медиалардан фойдаланиш; *медиакомпетентлилик* – таълимда эгалланган билим, кўникма ва малакалар, уларнинг тажрибада ижодий даражада фойдалана олиш қобилияти.

Медиабилимларни беришда дидактик воситалар ўқитувчи учун медиа маълумотларини жамлашга ҳамда уларни ўқувчининг назарий, амалий, мустақил таълим материалларини ўзлаштиришга ва йўналтиришга хизмат қилса, ўқувчи учун мустақил ва ижодий фикрлаш, маълумотларни танқидий идрок этиш ва баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Медиасаводхонликни ташкил этишнинг дидактик босқичлари: 1.Таълим мақсади (ўқитиш, ўрганиш, касбий компетенция). Ўқувчиларда медиа воситалар ва манбалар орқали мустақил ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда эгалланиши керак бўлган касбий компетенциялардан иборат. 2.Таълим функцияси

(ўқитишни режалаштириш, ўқишга йўналтириш, назорат қилиш). Ўқувчиларда медиа воситалар ва манбалар орқали мустақил ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда эгалланиши керак бўлган касбий компетенциялардан иборат. 3.Таълим мазмуни (ўқитиш методлари, воситалари, шакллари) медиасаводхонлик орқали ахборот компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим методлари, шакллари ва воситаларидан иборат.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлик орқали мустақил фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги асосий хусусиятларини белгилаб олдик: мустақил ўқув-билиш фаолиятига бўлган мотивлар; мустақил фаолиятни ташкил этишда медиатеchnологиялардан фойдаланиш ва ахборотларни тўғри танлаш; ўқиш учун зарурий илмий материаллар излаб топиш; мустақил ўқишга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, ўз-ўзини баҳолаш, билимга бўлган эҳтиёжни англаш, мақсад ва вазифаларни белгилаш; назарий билимларни эгаллаш; олинган натижаларни хулосалаш ва касбий фаолиятида қўллаш компетенцияси.

Диссертациянинг **“Профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида профессионал таълим ўқувчиларининг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятни ташкил этишда инновацион ёндашувлар, профессионал таълимда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятга тайёрлашнинг ахборот-технологик таъминотини яратиш методикаси ҳамда мустақил фаолиятни ташкил этишнинг ўқув-услугий таъминотини ривожлантириш келтириб ўтилган.

Мустақил фаолиятда ўқувчиларни ўқув-билиш компетенциялари ривожлантирилади. Аммо таълим қайси шаклда олиб борилмасин, ўқувчини мустақил ўқув-билиш фаолиятига йўналтирувчи шахс педагог ҳисобланади. Мустақил фаолиятда ўқувчи ўзини назорат қилиб бориши, яъни мустақил фаолият натижасида таълим самарадорлигини бирламчи ва якуний натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш кўникмасига эга бўлиши лозим.


Ўқувчилар мустақил фаолиятни тўғри ташкил этишлари учун мустақил фаолиятни амалга оширишнинг алгоритмик босқичларини тузиб олишлари зарур (2-расм). Мустақил ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш методикаси ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигида босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу жараёнда ўқитувчининг функцияси ўқувчида таълим олишга бўлган мотивацияни ошириш, мажуд билимларини ривожлантириш асосида мустақил билим орттиришга йўналтиришдан иборат. Ўқувчининг функцияси назарий олган билимларини амалиётда қўллаш, мустақил фаолияти орқали ўқув вазифалари ва топшириқларини бажариш, касбий компетенцияларни риволантириш. Бу жараён ўқувчиларда мустақил фаолият: *мотивация (мақсад) – фаолият (ҳаракат) – когнитив (билиш) – баҳолаш (натижа)* компонентлари асосида олиб борилади.



2-расм. Мустақил фаолиятни ташкил этиш алгоритми

Амалдаги ёндашувлар мажмуаси асосида ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этиш моделининг ишлаш тамойиллари педагогика коллежларининг “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида аниқланди. Мазкур тамойилларга қуйидагилар киради: *тизимли, иерархик, ривожланиш*. *Тизимли тамойил* моделнинг барча компонентларини ўзаро алоқадорлиги бирлигида кўриб чиқиш имконини беради. *Иерархик тамойили* қуйи даражадаги элементларнинг юқори даражадаги элементларга бўйсунishiга асосланган модел элементларини ташкил қилишни таъминлайди. *Ривожланиш тамойили* профессионал таълим жараёнида ўқувчи шахси хусусиятларининг сифат жиҳатидан ўзгаришини назарда тутлади. Бунда ўқитилаётган фан бўйича назарий билимларни ўзлаштириш; мустақил фаолият давомида ўқувчи қайси муаммоларни ўрганиши кераклиги аниқ кўрсатилиши; тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати; ўқитувчи томонидан муаммони қайси методлар билан ўрганишга оид тавсиялар; баҳолаш тури ва мезонлари аниқ кўрсатилиши керак.

Ўқувчиларининг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятни ташкил этиш моделида “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” мавзусини таҳлилий ўрганиш нуктаи назаридан такомиллаштириш медиамухитда назарий-амалий машғулотлар ҳамда мустақил фаолиятни ташкил этишда қўлланиладиган таълим методларини мукамаллаштиришда фойдаланилди.



2.5-расм. Ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали профессионал таълимда мустақил фаолиятни ташкил этиш модели

Умумий маънода "модел" (французча *modele* – намуна, прототип) қандайдир тизимнинг тасвирини англатади. Тўлиқ моделни яратиш учун методологик ёндашувларни танлаш керак. Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини тарбиялашни педагогик бошқариш модели қафолатланган натижа олишга кўмаклашади; уни амалга ошириш ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва уларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда психологик жиҳатдан қулай шароитда амалга оширилиши лозим.

Биз ишлаб чиққан модел ўзаро боғланган тизимли, иерархик ва ривожланиш тамойилларини ўзида мужассамлаштириш имконини берувчи *мақсадли, педагогик-технологик жараёнли, диагностика* қилиш блокларидан иборатдир (2-расм).

Мақсадли блок ўқувчиларнинг медиасаводхонлик орқали мустақил ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришни таъминлайдиган асосий босқичларини белгилайди; педагогика коллежи ўқувчилари учун белгилаб қўйилган малака талабларини, ахборот компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган мақсадни ўз ичига олади; касбий фаолиятда бажарилиши керак бўлган вазифаларни акс эттиради; педагогика коллежи ўқувчиларининг касбий фаолияти учун зарур бўлган ахборот, медиакомпетенцияларини ривожлантиришда мотивацион, когнитив, амалий-фаолиятли, ахборотли, тизимли ва шахсий компонентлардан ташкил топган.

Педагогик-технологик жараён блокида ўқувчиларни медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари, ўқитиш шакллари, ўқув жараёнини ташкил этишнинг таъминотлар тизими, ўқитиш воситалари ҳамда методлари берилган. Аудитория ва аудиториядан ташқарида ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари, мустақил ўқув фаолиятида ахборот манбаларига йўналтириш, амалга оширилган мустақил ишларни баҳолаш босқичлари ўз аксини топган.

Моделнинг диагностика қилиш блокида баҳолаш мезонлари ва медиасаводхонлик орқали мустақил ўқув-билиш фаолиятининг ривожланганлик даражалари ўз аксини топган. Ўқувчиларни касбга тайёрлашда медиасаводхонлик орқали мустақил фаолиятни ташкил этишнинг ривожланганлик даражаларини репродуктив (паст), продуктив (ўрта), ижодий (юқори) даражаларини мотивацион, когнитив, фаолиятли, креатив мезонларининг шаклланганлик даражаларига асосланган ҳолда таснифладик.

Ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятини ташкил этишда “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фанини ўқитишда ORID, DIGA, Блум таксономиясида “MindMapping”, “POPS”, “PMI”, “Pyramide”, “Project” каби интерактив методлар қўлланилди.

Маъруза машғулотида: “Alphabetical organizer”, “Дебат”, “Ақлий ҳужум” каби методлардан фойдаланилди. Ушбу таълим методлари ўқувчиларда медиа, ахборот тушунчаларига нисбатан мавжуд билимларини аниқлашга, ўқишга бўлган мотивациясини белгилаб олишга ва таълим олишда аниқ йўналиш ҳамда ечимларни танлаш имконини беради. Маъруза

машғулотлари ушбу методлар қўлланилиши асосида ўқувчиларнинг медиа, ахборот компетенцияси, билим орттириш, амалий ва креатив компетенциялари ривожлантирилади. Амалий машғулотларда: асосан креативликни ривожлантирувчи “ORID”, “DIGA” методларидан фойдаланилди. ORID методи ўқувчиларни ижодий фикрлаш, ўзларининг фикр ва ғояларини мустақил баён этиш методи ҳисобланиб, Objective (мақсад қўймоқ), Reflective (акс эттирмоқ), Interpretive (изоҳламоқ), Decisional (ечим топмоқ) каби тушунчалар асосида ишлаб чиқилган. Ушбу методни амалий машғулотда қўллаш орқали ўқувчиларни мақсадга мос аниқ ечимлар топиш компетенцияси ривожлантирилди. DIGA – Describe (тавсифламоқ), Interpret (изоҳламоқ), Generalize (умумлаштириш), Apply (қўллаш) танқидий фикрлаш методи ҳисобланади. Ушбу метод ўқувчиларда медиасаводхонликнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланган ахборотларга нисбатан танқидий фикр билдириш, таҳлил қилиш ва ўз ғоясини илгари суриш кўникмасини ривожлантиради. Биз қўллаган креативлик методлари ўқувчиларда ўзлаштирилган мавзу юзасидан танқидий, ижодий фикрлаш, мавзу, масала ёки ҳал қилинаётган муаммонинг моҳиятини ўз қарашлари ҳамда ғоялари билан ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Мустақил таълимда: ўқувчиларни олган билим ва кўникмалари асосида касбий компетенцияларини ривожлантириш учун мустақил билим орқали амалий ишлашга йўналтирдик. Бунда Блум таксономиясининг олти босқичида билиш – “MindMapping” маълумотни тузиш ва унинг қисмлари ўртасидаги муносабатларни топиш, тушуниш – “POPS” ёки ПАМО (позиция, асос, мисол ва оқибат) ўқувчиларда ўқув фаолиятида аниқ мақсадларни қўйиш, уни асослаш ва башорат қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Қўллаш – “Project” ўқув жараёнини шахсга йўналтириш, ўқувчиларга ўз имкониятларини эркин намоён этишлари учун шарт-шароит яратиш ҳамда ўз фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради, таҳлил – “PMI”, синтез – “Pyramid” ўқувчиларга таълим турлари ва материаллардан фойдаланиш даражалари бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Профессional таълим жараёнида медиатехнологиялари ва воситаларининг қўлланилиши натижасида қуйидаги учта масала ўз ечимини топади: таълим жараёнида ўқувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини максимал даражада қондириш; касбий билим, кўникма ва малакалар сифатини ошириш; ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини фаоллаштириш, мустақил фикрлашга бўлган кўникмаларини ривожлантириш.

